

Шавкат
МИРЗИЁЕВ:

Бугунги кунда
жамиятимизда турли
хил фикр ва қарашлар
бўлиши табиий.
Бу — демократиянинг
бирламчи талаби.
Аммо, миллати,
тили ва динидан
қатъи назар, бутун
эл-юртимизни
бирлаштирадиган улут
бир ғоя бор.
У ҳам бўлса,
Ватан манфаати,
халқимиз манфаатидир.



ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ
УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

XXI
ASR

IJTIMOIIY - SIYOSIY GAZETASI

21asr.uz XXIasr_yangiliklari XxiASR XXIasr@mail.ru xxiargazetasi XXIasrgazetasi



Gazeta 2004-yil
1-yanvardan chop
etila boshlagan

8-yanvar
2026-yil
1 (1 155)

БУГУНГИ СОНДА:



СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ
ТАЛАБМИ Ё ЭҲТИЁЖ?

4с.



РЎЙХАТГА ОЛИШ
ЖАРАЁНИ
БОШЛАНАДИ!

5с.



МУТОЛАА МАЖБУРИЙ
ЭМАС, ЛЕКИН...

6с.

МУРОЖААТНОМА

ОРТИДА **ХАЛҚ**
ТАҚДИРИ ТУРИБДИ

ТАРАҚҚИЁТИМИЗ

ПОЙДЕВОРИ

Актам ХАИТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
О'ZLiDeP фракцияси раҳбари

2с.

МАМЛАКАТ ҲАЁТИНИНГ БАРЧА
СОҲАЛАРИНИ ҚАМРАБ ОЛГАН
ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР, ОЧИҚ ВА
ПРАГМАТИК СИЁСАТ, ИНСОН
МАНФААТЛАРИНИ УСТУВОР
ҚЎЙГАН ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ
ТИЗИМИ ЎЗ САМАРАСИНИ
БЕРМОҚДА.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ОЛИЙ
МАЖЛИС ВА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА
ЙЎЛЛАГАН МУРОЖААТНОМАСИДА
ҚАЙД ЭТГАНИДЕК: "БИЗ ЯНГИ
ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШДА
ХАЛ ҚИЛУВЧИ БОСҚИЧГА
ҚАДАМ ҚЎЙМОҚДАМИЗ. БУ
ЙЎЛДАГИ ИШЛАРИМИЗ ҲАР
БИР СОҲА ВА ТАРМОҚДА ЧУҚУР
ТРАНСФОРМАЦИЯНИ ТАЛАБ
ҚИЛАДИ. МАҚСАДИМИЗ АНИК:

ЯҚИН ЙИЛЛАРДА ДАРОМАДИ ЖОН
БОШИГА ЎРТАДАН ЮКОРИ БЎЛГАН
МАМЛАКАТЛАР ҚАТОРИГА КИРИШ".

УШБУ ЙИҒИЛИШДА ДАВЛАТ
РАҲБАРИ "ЎЗБЕКИСТОН – 2030"
СТРАТЕГИЯСИНИ ҚАЙТА ҚЎРИБ
ЧИҚИШ ВАЗИФАСИНИ ҚЎЙГАНИ
ҲАМ БЕЖИЗ ЭМАС, АЛБАТТА. БУ
ЭСА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН
ИСЛОҲОТЛАРНИ БУНДАН-ДА
ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ЯНГИ
ТАРИХИЙ ШАРОИТЛАРГА МОС
РАВИШДА ДАВОМ ЭТТИРИШ
ЗАРУРЛИГИНИ АНГЛАТАДИ.
МАЗКУР ҚАРОР МАМЛАКАТ
ТАРАҚҚИЁТИДА НАВБАТДАГИ
СТРАТЕГИК БОСҚИЧ
БОШЛАНАЁТГАНИДАН БИР
МУҲДАДИР.

XXI
Ijtimoiy-siyosiy gazetasi

Обуна
2026 йил учун

ОБУНА ИНДЕКСИ – 406

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН:
(71) 255-68-50

**Дунё ва мамлакатимиздаги
энг сўнгги янгиликлар!**

21asr.uz
@XXIasr_yangiliklari
XXIASR

◀◀Бошланиши 1-саҳифада.

Аёнки, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси 2023 йилда қабул қилинган бўлиб, у қисқа вақт ичидаёқ амалий самарасини кўрсатди.

ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Иқтисодий ўсиш суръатларининг барқарорлашгани, ижтимоий ҳимоя тизими кучайгани, инвестиция муҳити яхшиланиши, ташқи савдо ҳажмлари ошгани мамлакатда олиб борилаётган сиёсатнинг тўғри йўналишида эканини тасдиқлади. Энг муҳими, ислохотлар марказида инсон манфаатлари тургани камбағаллик ва ишсизлик даражасининг сезиларли қисқариши орқали намён бўлди. Хусусан, камбағаллик даражаси 11 фоиздан 5,8 фоизга, ишсизлик 6,8 дан 4,9 фоизга тушди. Таълим қамровининг кенгайиши, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар сифатининг яхшиланиши ҳам ана шу жараёнларнинг узвий қисми ҳисобланади.

Иқтисодий кўрсаткичлар эса стратегиянинг реал ва прагматик асосда ишлаб чиқилганини яққол кўрсатмоқда. Жумладан, ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард долларга етказиш бўйича аввал 2030 йилга мўлжалланган мақсадга 2026 йилнинг ўзида эришиш кутилаётгани мамлакат иқтисодий салоҳияти тўғри баҳоланганини билдирди. Келгуси беш йилда иқтисодиёт ҳажмини 240 миллиард доллардан ошириш имконияти мавжудлиги ҳақидаги прогнозлар эса Ўзбекистонда амалга оширилаётган изчил ислохотларга халқаро миқёсда ҳам ишонч юқори эканидан далolat. Бу, ўз навбатида, инвестициялар оқими янада рағбатлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш учун мустаҳкам замин яратди.

Шу билан бирга, дунёда кечадиган глобал ўзгаришлар, рақам-

ли иқтисодиёт ва сунъий интеллект технологияларининг жадал ривож, аҳоли сонининг ўсиши ва янги ижтимоий эҳтиёжлар “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини янгилашни тақозо этмоқда. Янги тахрирдаги стратегия нафақат мав-

паётганини кўрсатади. Фуқаролар, экспертлар, жамоатчилик вакилларининг таклифлари қарор қабул қилиш жараёнида инобатга олинаётгани эса давлат ва жамият ўртасидаги ишончни янада мустаҳкамлаши шубҳасиз.

жуд ютуқларни мустаҳкамлаш, балки келгуси ўн йилликда юзага чиқиши мумкин бўлган хавф-хатарларга тайёр туришни ҳам кўзда тутди. Шу мақсадда 350 дан ортиқ мутахасссди идора ва илмий-тадқиқот марказларининг вакиллари иштирокида ҳужжатдаги 444 та самарадорлик кўрсаткичи қайта кўриб чиқилмоқда. Бу эса ҳар бир йўналиш бўйича аниқ ва натижага қаратилган вазифалар белгилаб олинаётганини кўрсатади.

Янгилашган стратегиянинг яна бир муҳим жиҳати шуки, унда ижро интизоми ва шахсий жавобгарлик кучайтирилмоқда. 60 га яқин давлат органларининг аниқ масъулияти белгилаб қўйилиши ҳар бир вазифа учун ким жавобгар экани очик-ойдин кўрсатилишини таъминлайди. Бу эса давлат бошқарувида тизимлиликни кучайтириб, масъулиятсизлик омилларини кескин қисқартиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, ҳар бир мақсадни амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий манбаларнинг аниқ кўрсатилиши стратегияни амалга оширишда реаллик ва шаффофликни таъминлайди.

Тармоқлар ва ҳудудлар кесимида ишлаб чиқилган барча ривожланиш дастурларининг “Ўзбекистон – 2030” стратегиясига мослаштирилиши ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бу марказий ва маҳаллий даражадаги ислохотлар ягона мақсад ва устувор йўналишлар асосида олиб борилишини таъминлайди. Энг муҳими, стратегия лойиҳасининг кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши давлат сиёсатида очиклик ва ҳисобдорлик тамойиллари изчил қарор то-

Дарвоқе, янгилашаётган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси иқтисодий ўсишни жадаллаштириш, инсон капиталини ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган мустаҳкам дастур сифатида намён бўлмоқда. У нафақат бугунги муаммоларга ечим, балки келажак авлодлар учун барқарор тараққиёт пойдеворини яратади. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва унинг тарафдорлари, жумладан, парламент ҳамда маҳаллий кенгашлардаги кўп сонли депутатлари ушбу стратегияни янада такомиллаштириш ва ҳаётга татбиқ этиш жараёнида тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш, иқтисодий эркинликни кенгайтириш ва хусусий сектор улушини ошириш бўйича аниқ таклифлар билан фаол иштирок этади. Энг муҳими, партия томонидан парламент ва депутатлик назоратини кучайтириш орқали стратегияда белгиланган мақсадлар халқ манфаатларига тўлиқ хизмат қилиши таъминланади.

Таъкидлаш ўринлики, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг янгилалиши шунчаки ўзгариш эмас, балки мамлакат ривожини учун ўзига хос муфасссал йўл харитасидир. Инсон қадрини улуғлаш, адолатли жамият барпо этиш ва барқарор иқтисодий тараққиётни таъминлашга қаратилган кенг қамровли ислохотларнинг манتيқий давоми ана шу ҳаётий ҳужжатда акс этмоғига ишончимиз комил. Унинг тўлақонли ижросини таъминлаш эса Ўзбекистонни минтақада ва халқаро майдонда янада рақобатбардош, халқ фаровонлиги таъминланган замонавий давлатга айлантиради.

КАПИТАЛ БОЗОРИ ВА ТАДБИРКОРЛИК

Янги Ўзбекистон иқтисодий ўсишининг стратегик драйвери

Мурожаатномада мамлакат иқтисодиётини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга қаратилган комплекс ислохотлар тақдим этилди. Тадбиркорликни ривожлантириш масаласи макроиқтисодий барқарорлик, инвестиция муҳитини яхшилаш ва капитал бозорини чуқурлаштириш билан узвий ҳолда кўриб чиқилди.

Давлат раҳбари тadbиркорликни иқтисодиётнинг асосий ўсиш манбаи сифатида белгилаб, хусусий секторни қўллаб-қувватлашни давлат иқтисодий сиёсатининг марказига қўйди. Амалда бу ёндашув меҳнат бозорида ҳам ўз аксини топиб, мамлакатда яратилаётган янги иш ўринларининг салмоқли қисми айнан ушбу субъектлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу ҳолат хусусий секторнинг иқтисодий барқарорликдаги ролини янада оширмоқда.

Ҳужжатда соҳага салбий таъсир кўрсатиб келаётган маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, солиқ ва молия тизимини соддалаштириш ҳамда регулятор муҳитни либераллаштириш устувор вазифа сифатида белгиланди. Шу билан бирга, тadbиркорликни молиялаштиришнинг аънавий банк кредитларига боғлиқлигини камайтириш, капитал бозорини ривожлантириш орқали узоқ муддатли инвестиция манбаларини шакллантиришга алоҳида ургу берилди. Капитал бозори иқтисодий ўсишни рағбатлантирадиган муҳим институционал устун сифатида белгиланиб,

глобал депозитарийларни миллий фонд бозорига олиб кириш чоралари назарда тутилмоқда.

Бу борада халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган “Капитал бозори тўғрисида”ги янги қонуннинг қабул қилиниши миллий фонд бозорини халқаро стандартларга мослаштиради. Қонун орқали бозор инфратузилмасини такомиллаштириш, инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоялаш ва молиявий инструментлар турини кенгайтириш мақсад қилинган.

Курс тебраниши билан боғлиқ рискларни пасайтириш мақсадида маҳаллий компанияларга ички бозорда хорижий валютада облигация чиқаришга рухсат берилиши ҳам муҳим иқтисодий қадам сифатида баҳоланмоқда. Мутахассислар фикрича, ушбу чора натижасида маҳаллий облигация бозори яқин 1–2 йил ичида камида 1 млрд долларга етиши мумкин. Бу эса ҳозирги 3,5 трлн сўмлик бозор ҳажми билан таққослаганда сезиларли ўсиш.

Келаси йилдан корхоналарга халқаро бозорларда акциялари-

ни жойлаштириш, яъни дуал листинг имконияти берилиши миллий компанияларнинг корпоратив бошқаруви ва молиявий очиклигини оширади. Шу орқали Ўзбекистон компанияларининг халқаро инвестиция бозорларига интеграцияси жадаллашади. Капитал бозорини ривожлантириш орқали тadbиркорлар учун қўшимча 1 млрд доллар инвестиция жалб қилиш имконияти яратилади. Бу маблағлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги технологияларни жорий этиш ва иқтисодиётни диверсификация қилишда муҳим молиявий манбага айланади.



Бахтиёр УМАРОВ,
Халқ депутатлари
Наманган
вилоят кенгаши
депутати

МАЛАКАЛИ КАДРЛАРГА ТАЛАБ ОШАДИ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида келгуси йиллар учун олти та асосий устувор йўналиш белгиланган. Унга мувофиқ, маҳалла институтини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни диверсификация қилиш, хизматлар соҳаси ва яшил энергетикани ривожлантириш билан боғлиқ ислохотлар беvosита бизнинг Навоий вилояти ахли учун ҳам улкан имкониятлар яратади.

Вилоятда саноат локомотиви сифатида чуқур қайта ишлаш ва иш ўринлари яратишни устувор вазифа сифатида қўллаб-қувватлашимиз. Бу ҳудуд кончиллик ва металлургия, қурилиш материаллари, кимё ва энергетика йўналишлари бўйича республикадаги йирик саноат марказларидан бири ҳисобланади. Келгусида ҳомаёни тайёр маҳсулотга айлантириш ҳажми ошиши, энергия тежовчи ускуналар ва рақамли бошқарув тизимлари жорий этилиши режалаштирилмоқда. Бу эса малакали муҳандис ва техник кадрларга бўлган талабни оширади.

Мурожаатда маҳалла институтининг давлат бошқарувидаги ўрни янада кенгайиши алоҳида таъкидланди. Бу Навоийда ичимлик суви ва йўл инфратузилмасини босқичма-босқич такомиллаштириш, тиббиёт ва таълим хизматларида сифатни ошириш, фуқаролар ташаббусини қўллаб-қувватлаш имкониятларини яратади. Хизматлар соҳаси ҳам иқтисодиётнинг асосий драйверларидан бири сифатида белгиланди. Вилотимизда туризм (тарихий масканлар ва са-

ноат туризми), логистика (транспорт коридорлари ва омборхона хизматлари), рақамли хизматлар (IT, онлайн савдо ва электрон хизматлар) устувор йўналишлар саналади. Бу кичик бизнес учун имкониятларни кенгайтиради, бюджет тушумларини барқарорлаштиради ва ёшлар бандлигини оширади.

Яшил энергетика ҳам вилоят учун устувор йўналиш сифатида эътироф этилмоқда. Бу ерда шамол ва кўёш энергияси лойиҳалари амалга оширилмоқда. Бу саноат учун барқарор ва арзонроқ энергия дегандир, афрок-муҳит босимини камайтиради ҳамда янги технологиялар кириб келишини осонлаштиради. Шунингдек, энергия тежовчи уй-жойлар ва иссиқлик тизимларини модернизация қилиш вилоят иқтисодига қўшимча фойда келтиради.

Кадрлар ва инновация ҳам устувор вазифа сифатида белгиланди. Янги лойиҳаларнинг самараси замонавий касб-хунарга эга бўлган мутахассислар, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси ҳамда касб-хунар

мактаблари билан ҳамкорлик орқали аниқланади. Олий таълим муассасалари, касб-хунар мактаблари ва корхоналар ўртасидаги кластер тизимини кучайтириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Умуман олганда, ушбу ҳужжатда белгиланган вазифаларни босқичма-босқич амалга оширилиши натижасида Навоий вилояти рақобатбардош саноат маркази, қулай яшаш инфратузилмаси ва иқтисодий диверсификацияга тайёр ҳудудга айланади.



Муҳаммаджон
ЭЗНИЁЕВ,
O'zLiDeP Навоий
вилоят кенгаши
раиси биринчи
ўринбосари –
аппарат раҳбари

МАҲАЛЛАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА 8,5 ТРЛН СЎМ

Давлатимиз раҳбари томонидан Олий Мажлис ва халқимизга қилинган Мурожаатномасида маҳаллаларни ҳар томонлама ривожлантириш масаласига алоҳида ўтхалтадан бежиз эмас, албатта. Ушбу йўналишда комплекс ёндашувни жорий этиш учун 8,5 триллион сўм маблағ ажратилиши маълум қилинди.

Маблағлар маҳаллалар кесимида аниқ дастурлар асосида тақсимланади ва уларнинг ҳар бири манзилли тарзда сарфланади. Бу эса маҳаллаларнинг самарали ва шаффоф ишлатилишини таъминлайди. Режалаштирилаётган дастур доирасида, энг аввало, йўл инфратузилмаси, ичимлик суви таъминотини яхшилаш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини янгилаш ҳамда рақамлаштириш ишларида усту-

вор аҳамият берилади. Шу орқали аҳолининг турмуш даражаси янада яхшиланади ва маҳаллаларнинг иқтисодий-ижтимоий салоҳияти оширилади.

Давлатимиз раҳбари маҳалла тизими давлат ва жамият ўртасидаги муҳим бўгин эканини қайд этиб, ушбу йўналишдаги ислохотлар аҳолининг кундалик ҳаётида сезиларли ўзгаришлар рўй бериши кераклигини таъкидлади.



Шерзод ОРТИҚОВ,
“Агробанк”
АТБ Самарқанд вилоят
бошқармаси бош
хисобчиси,
O'zLiDeP туман
кенгаши депутати

ИМКОНИАТ

Экспорт салоҳияти:

МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИМИЗ
ДУНЁ БОЗОРЛАРИНИ ОБОД ҚИЛМОҚДА

Қишлоқ хўжалиги вазирлигига юборилган парламент сўровига асосан берилган маълумотда келтирилишича, кейинги йилларда мамлакатимизда ушбу соҳани ислоҳ қилишга катта эътибор қаратилмоқда.

Айниқса, “Қишлоқ хўжалиги кооперативни тўғрисида”ги, “Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурта қилиш тўғрисида”ги қонунлар ҳамда Сув кодекси бу йўналишдаги ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Алоҳида таъкидланганидек, тармоқда қўрилган кенг қўламли чора-тадбирлар натижасида ўтган йили қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатида халқаро стандарт талаблари асосида сертификатлаштирилган корхоналар сони 2 045 тага (101 фоиз) етказилган. Шунингдек, 36 та фермер ва қишлоқ хўжалиги корхонаси томонидан 10,3 минг гектар ерда органик маҳсулот етиштирилган бўлиб, шундан 2,5 минг гектар ер мева-сабзавот маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келган.

Халқаро стандартларни татиқ этган 48 та қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат корхонасига 2025 йилда давлат томонидан 3,8 млрд сўмлик молиявий ёрдам ажратилган. Амалдаги стандартларни ЖСТ талабларига мослаштириш бўйича 410 та стандарт қайта кўриб чиқилган.

Ўтган йили қуввати 130 минг тонна бўлган 7 та агрологистика маркази ва 36 та советкичи омбор ишга туширилган. Мева-сабзавот маҳсулотларини жойлаштириш, янги навларни танлаш ҳамда уларни маҳаллий асосда етиштирилишини таъминлаш йўналишида ўтган йили фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида жами 3,9 млн гектарга экин экилган, шундан боғ-ток қатор ораси экинлари майдони 239,4 минг гектарни ташкил этган. 57 минг гектарга интенсив усулда сабзавотлар кўчат усулида, плёнка остига, томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологияси асосида экилган.

Экспорт прогнозларига эришиш йўналишида мева-сабзавот ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари географиясини кенгайтириш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда янги тизим жорий қилинган. Карантин агентлигида марказий ва 14 та ҳудудий экспорт штаблари фаолияти ҳамда “Agroko‘makchi” мобил иловаси йўлга қўйилган. Халқаро кон-

венциянинг “E-phyto Solution” ахборот тизимига интеграция орқали 120 та давлат билан фитосанитария сертификатлари маълумотларини ўзаро алмаштиришга эришилган ҳамда “e-Fitouz” ААТда рухсат этувчи ҳужжатлар расмийлаштирилиши тўлиқ рақамлаштирилиб, тadbиркорлик субъектларига экспорт жараёнида да хизмат кўрсатиш тизими соддалаштирилган.

Асосий эътибор маҳсулотларни юқори нархларда сотиш имкони мавжуд бозорларга (Сингапур, Япония, Корея, Хитой, АҚШ, Араб ва Европа давлатлари) қаратилган. Халқаро талабларга мувофиқ, мошин Буюк Британия, Япония ва Кореяга экспорт қилиш учун “Sprout” сертификатини бериш тизими жорий этилган. Италия, Латвия, БАА, ЖАР, Хитой, Озарбойжон, Арманистон ва Россиянинг логистика ҳамда қаддоқлаш тажрибалари ўрганилиб, ўтган йилнинг 1 августидан сараланган, калибрланган ва қаддоқланган маҳсулотлар учун ташили харажатларини компенсация қилишининг янги механизмига ўтилган. Экспорт географияси олдинги йилга нисбатан ўтган йили 13 та (Марокаш, Гватемала, Словения, Макао, Гайана, Дания, Аргентина, Чили, Швейцария, Мозамбик, Мала, Венесуэла, Кот-д’Ивуар) давлатга кенгайиб, 95 тани ташкил этган. Якунланган йилда 8 та давлатга 36 турдаги мева-сабзавот экспорти учун фитосанитар рухсатлар олинди, улар сони 646 тага етказилган.

Масалан, Ҳиндистонга тарвуз, Эронга нўхат, ковул (каперс), занжабил (хўл ва қуритилган), маккажўхори, соя дони, Японияга наёматак, каврак, анжир, заъфарон, қуритилган помидор, голубика, тарик, қуритилган беҳи, шолғом, кунгабоқар, брокколи, Таиландга ерёнғоқ, кабрам, саримсоқпиез, пиез, сабзи, нўхат, редиска, АҚШга қуритилган сабзи ва қовоқ уруғи, Мисрга олхўри, нектарин, ўрик, тозаланган грек ёнғоғи, бодом, Хитойга қовун, бодом, қуритилган олча экспорт бўйича фитосанитар рухсатлар олинган. 55 та давлатга фитосанитария сертификати асосида барча мева-сабзавотни юклаш имконияти яратилган. Шу билан бирга, 3 та давлатга 6 турдаги маҳсулотга бозор очилиши режалаштирилган. Мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт географиясини кенгайтириш бўйича ўтган йили жами 17 та халқаро ва маҳаллий кўрғазмада 60 та экспортёр корхо-

на 89 турдан ортиқ мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан иштирок этган.

Бошланган янги йилда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш орқали мева-сабзавотни қайта ишлаш даражасини 15,6 фоизга (амалда 15,0 фоиз) етказиш, 4,0 млрд долларлик мева-сабзавот ва озиқ-овқат саноати маҳсулотларини экспорт (2,8 млрд доллар мева-сабзавот, 1,2 млрд доллар озиқ-овқат саноати) қилиш, ўтган йилга нисбатан 120 фоиз ўсишни таъминлаш режалаштирилган. Озиқ-овқат хавфсизлигига оид маълумотлар базасини шакллантириш ва юришти тизимини ишга тушириш, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг озиқ-овқат хавфсизлигига тааллуқли ахборотларини ягона идоралараро интеграллашган тизимга жамлаш мўлжалланган.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан тақдим этилган маълумот парламентнинг Қўйи палатаси ялпи мажлисида кўриб чиқилди ва атироғлича муҳокама қилинди. Ба-жарилган муайян ишлар ижобий баҳоланиши билан бирга, экспорт-боп мева-сабзавот маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш, уларнинг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичларини яхшилаш юзасидан бир қатор тавсиялар берилди. Шунингдек, мазкур масала доимий равишда парламент назорати остида бўлиши таъкидланди.



Муқаддасхон
АХМЕДОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати, Аграр ва сув
хўжалиги масалалари
қўмитаси аъзоси



МУРОЖААТНОМА

ОРТИДА ХАЛҚ ТАҚДИРИ ТУРИБДИ

Президентнинг парламентга мурожаат йўллаши, бу нафақат сиёсий анъана, балки давлат бошқарувининг муҳим демократик воситаси ҳам ҳисобланади. Бу жараён давлат раҳбарининг ўтган йилдаги ислохотлар натижаларини сарҳисоб қилиши ва келажақдаги стратегик йўналишларни белгилаб бериши билан аҳамиятли.

ТАРИХДА

Парламентга мурожаат қилиш анъанаси илк бор АҚШ ва Буюк Британияда шаклланган. АҚШ Конституциясининг 2-моддасига биноан, Президент вақти-вақти билан Конгрессга “Иттифоқнинг ҳолати тўғрисида” (State of the Union) маълумот бериши шарт. Илк мурожаатни 1790 йилда Жорж Вашингтон йўллаган. Буюк Британияда “Қироллик нутқи” (Queen's/King's Speech) анъанаси мавжуд бўлиб, унда монарх ҳукуматнинг келгуси йил учун режаларини эълон қилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА МУРОЖААТНОМА ИНСТИТУТИ

Ўзбекистон тарихида Президентнинг парламентга мурожаат йўллаши янги, муҳим сиёсий воқеаликдир. Бу анъана Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бошлан-ди ва мурожаатнома институтига тамал тоши қўйилди.

Биринчи Мурожаатнома 2017 йил 22 декабрь сана-си билан тарихда қолди. Шу кунги Ўзбекистон тарихида илк бор давлат раҳбари Олий Мажлис палаталарига Мурожаатнома тақдим этди. Унда давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизими ва иқтисодиётни либераллаштириш бўйича туб ислохотлар дастури эълон қилинган эди. Асосий мақсад – давлат бошқарувида очиқликни таъминлаш ва халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш эди.

Одатда Мурожаатнома қуйидаги муҳим блоклар-дан иборат бўлади:

Иқтисодиёт – инфляцияни жиловлаш, ЯИМ ўсиши, инвестицияларни жалб қилиш;
ижтимоий соҳа – таълим, соғлиқни сақлаш ва камбағалликни қисқартириш режалари;
суд-ҳуқуқ – инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, коррупцияга қарши кураш;
ташқи сиёсат – қўшни давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан алоқалар.

Хўш, булар нима учун муҳим?
1. **Ҳисобдорлик:** Президент халқ вакиллари олдида бажарилган ишлар бўйича ҳисоб беради.
2. **Йўл харитаси:** келаси йил учун аниқ вазифалар белгиланади (масалан, йилга ном бериш анъанаси ҳам шу ерда амалга оширилади).
3. **Жамоатчилик назорати:** Мурожаатнома асосида қабул қилинадиган давлат дастури ижросини нафақат депутатлар, балки бутун жамият кузатиб боради. Кўплаб мамлакатларда Президент мурожаати фақат ҳисобот характерида бўлса, **Ўзбекистонда бу ҳужжат келгуси бир йиллик ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий ҳуқуқий пойдевори** бўлиб хизмат қилади.

Йилдан йилга янада ХАЛҚЧИЛ

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Мурожаатномаларини кузатар эканмиз, уларда йилдан йилга такомиллашиш, янада халққа яқинлашиш, давлат идораларидан инсонлар фаровонлигини ошириш учун талабчанлик хусусиятларини кузатиш мумкин. Хусусан, 2024 йил охири (18-20 ноябрь кунлари янги сайланган парламентнинг илк мажлисларидаги нутқлари) ва 2025 йил 26 декабрдаги навбатдаги Мурожаатнома аввалгиларидан бир қатор жиҳатлари билан фарқ қилади.

Бу йилги мурожаатларнинг асосий ўзига хос хусу-сиятлари қуйидагилардан иборат:

1. “Маҳалла еттилиги” ва пастки бўғинга йўналтирилганлик

Агар аввалги Мурожаатномаларда асосий урғу тизими ислохотлар ва вазирликлар масъулиятига қаратилган бўлса, бу йилги нутқларда асосий эътибор маҳаллага қўчи-ди. Энди маблаглар юқоридан эмас, балки маҳалла раи-си, ҳоким ёрдамчиси ва маҳалла банкири асослаб берган аниқ лойиҳалар учун ажратилиши белгиланди. Камбағал-ликни қисқартириш бўйича маҳаллабай ишлаш тизими янги босқичга чиқди.

2. **Парламент ва ҳукумат ўртасидаги янги мувозанат** Янги таҳрирдаги Конституцияга асосида ўтган сай-ловлардан сунг Мурожаатномада парламентнинг роли кескин кучайтирилгани аққол сезилди. **Ташқи қарз устидан назорат**, яъни энди давлат кафолатли остида ташқи қарз олиш масаласи бевосита парламент томони-дан маъқулланиши шарт қилиб қўйилди. **Ҳисобдорлик** – давлат органлари раҳбарларининг халқ мурожаатлари билан ишлаши бўйича ҳисоботларини мунтазам эшитиш тизими жорий этилди.

3. **Иқтисодий кўрсаткичларнинг тарихий ўсиши** Бу йилги Мурожаатномада Ўзбекистон иқтисодиёти учун муҳим психологик чегаралар забт этилгани эълон қи-линди: Ўзбекистон тарихида илк бор **ялпи ички маҳсулот ҳажми 145 миллиард доллардан** ошди (таққослаш учун, 9 йил аввал бу кўрсаткич 100 миллиард долларга етмоғи катта озу эди, тўғрими?); 2025 йилда **камбағаллик дара-жаси 5,8 фоизга** тушгани қайд этилди.

4. **Рақамли ва “проактив” давлат хизматлари** Аввалги мурожаатларда давлат хизматларини элек-тронлаштириш айtilган бўлса, эндиликда “проактив хиз-мат” тушунчаси киритилди. Масалан, фуқаро уйига ка-дастр ҳужжати олганида, тизим автоматик равишда уни газ, сув ва электрга уланиш масаласини ҳам ҳал қилиб бе-ради. 2026 йилда бундай хизматлар сонини **100 тага** етказиш вазифаси қўйилди.

5. **Халқ вакиллари ҳайъати институти** Бу йилги энг катта сиёсий янгилликлардан яна бири – **Халқ вакиллари ҳайъати** институтининг босқичма-босқич жорий этилиши бўлди. Бу маҳаллий кенгашлар ва парла-

ментнинг халқ билан алоқасини янада институционал-лаштиришга қаратилган.

Умуман олганда, Президент Шавкат Мирзиёев-нинг **2025 йил 26 декабрь** куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида барча ислохотлар-нинг маркази ва ижро нуқтаси сифатида маҳалла тан-ланди. “Маҳалла ривожланса, бутун мамлакат юксалади” тамойили асосий ғояга айланди. Шунингдек, 2026 йилни барча соҳаларда туб бурилиш йили деб эълон қилиш бўйи-ча улкан вазифалар белгилаб берилди.

6. **Глобал мураккабликлар ва демократик қатъият** Президент 2025 йилни дунёдаги геосиёсий вазият ту-файли жуда мураккаб йил, деб атар экан, ташқи босимлар ва иқтисодий чекловларга қарамай, Ўзбекистон **очиқлик сиёсати ва сўз эркинлиги** йўлидан асло қайтмаслигини алоҳида таъкидлади.

Маҳалла – ислохотларнинг бош мезони

Маҳалла – бу нафақат маъмурий бирлик, балки ўзбек халқининг кўп асрлик қадриятларини ўзида жамлаган, демократиянинг энг қуйи ва энг таъсирчан бўғинидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг навбатдаги Мурожа-атномасида маҳалла **ислохотларнинг бош мезони** сифатида белгиланди. 2026 йилга берилган **“Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”** номи ҳам аввалги йил номиларидан ўзининг кенг қамровлилиги ва ислохотларнинг пастки бўғинга йўналтирилгани билан фарқ қилади. Таъкидлаш керакки, ушбу номланиш зами-рида, аввало, **инсон қадри** ётади. Маҳалла, бу, шунча-ки ҳудуд эмас, балки инсоннинг муаммоси ечиладиган жойдир. Манзилли ёрдам, камбағалликни қисқартириш, ишсизликка барҳам бериш ва ижтимоий ҳимояни ҳар бир хонадон даражасида ташкил этиш, суңъий интеллект мар-казлари ва рақамли технологияларни жорий этиш орқали ёшларни замонавий касбларга ўргатиш каби жиҳатларни ўз зиммасига олади.

Ҳозирги кунда тизимда юз бераётган асосий ўзгариш-лар шундаки, илгари маҳаллада асосан раис ва унинг ёрдамчилари ишлаган бўлса, эндиликда **“маҳалла ет-тилиги”** тушунчаси киритилди. Маҳалла раиси (умумий бо-шқарув ва мувофиқлаштириш), ҳоким ёрдамчиси (тадбир-корликни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш), ёшлар етакчиси (ёшлар бандлиги ва бўш вақтнинг мазмун-ли ташкил этиш), хотин-қизлар фаоли (аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш), профилактика инспектори (хавфсиз-лик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш), солиқ инспек-тори (солиқ базасини кенгайтириш ва легаллаштириш) ва ижтимоий ходим (ёлғиз кексалар ва муҳтожларга ёрдам бериш)дан иборат **еттилик** муаммоларни юқори идора-ларга чиқмасдан, маҳалланинг ўзида ечим топиши бел-гиланган. Энди маҳаллалар йўл таъмири, чирок ўрнатиш, ичимлик суви каби муаммоларини ҳал қилиш учун юқори ташкилотлардан маблаг кутиб ўтирмайди. Мол-мулк ва ер солиғидан тушадиган маблагларнинг бир қисми бевосита маҳалла ихтиёрида қолади. Қолаверса, аҳоли ўзлари овоз бериш – “Очиқ бюджет” орқали ҳудуддаги қайси муаммони биринчи бўлиб ҳал қилишни белгилайди.

Ўтган йилдаги ислохотларга қўра, маҳалла раиси ва еттилик аъзоларига қатор янги ҳуқуқлар – ҳудуддаги дав-лат ташкилотлари раҳбарларига **тақдимнома киритиш**, ижтимоий ёрдам бериш масаласини **мустақил ҳал қилиш**, ҳудуддаги қурилиш ва обodonлаштириш ишлари усти-дан **жамоатчилик назоратини** ўрнатиш ваколатлари ҳам берилди. Эндиликда маҳалла идоралари “Рақамли маҳал-ла” платформаси орқали ишлайди. Бу фуқароларга турли маълумотномаларни онлайн олиш, муаммолар ҳақида ха-бар бериш ва маҳалла бюджети сарфини кузатиб бориш имконини беради. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, агар маҳаллада адолат бўлса, бутун жамиятда адолат бўлади, маҳалла обод – юрт обод дегани-да бу! Ушбу ти-зимдан қўзланган асосий мақсад ҳеч бир муҳтож инсон эътибордан четда қолмаслиги лозим. Ҳар бир хонадонда даромад манбаи яратилиши жоиз. Маҳалла давлат ва халқ ўртасида энг яқин кўприк бўлиши шарт!

Иқтисодий юксалиш даври

Эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон иқтисодиёти, ай-ниқс, 2024–2025 йилларда нафақат миқдор, балки сифат жиҳатидан ҳам янги босқичга кўтарилди. Президентнинг сўнгги чиқишларида келтирилган иқтисодий кўрсаткичлар мамлакатнинг минтақавий марказга айланаётганини кўр-сатмоқда.

Оддий бир мисол: иқтисодий ўсишнинг асосий драйве-ри бўлган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни олай-лик. Охириги йилларда инвестициялар ҳажми йилига **15-20 миллиард доллардан** ошмоқда. Эндиликда фақат хомашё сотиш эмас, балки тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга урғу берилмоқда. Масалан, автомобилсозлик, маиший техника ва тўқимачилик соҳаларида Ўзбекистон Марказий Осиё-да етакчига айланди. 2025 йилда Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига кириш жараёни ҳал қилувчи босқичга келди. Бу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ташқи бозор-ларга божсиз ва чекловларсиз чиқиш имконини беради. Экспортда тайёр маҳсулотлар (*газ ва пахта ўрнига*) улуши кескин ортмоқда, айниқс, электротехника ва кимё саноа-ти маҳсулотлари экспортда муҳим ўрин тутмоқда.

Ёки иқтисодиётнинг юраги сифатида қурилаётган кичик ва ўрта бизнесни олайлик. Ҳозирда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг катта қисми айнан хусусий сектор-да ишламоқда. Солиқ юқини қамайитириш ва маъмурият-чиликни соддалаштириш натижасида яширин иқтисодиёт улуши қисқармоқда. 2024–2025 йилларда ЯИМ ўсиш суръ-ати йиллик 6 фоиз атрофида (дунёдаги энг юқорилардан бири). Инфляция бир хонали рақамларга тушириш мақсад қилинган (8-9 фоиз). Ташқи қарз ЯИМга нисбатан 35-40 фоиз атрофида (*хавфсиз даражада*).

Иқтисодиёт ўсиши учун энергия зарурлиги ҳаммага маълум. Шу сабабли ўтган йилда яшил энергия (қуёш ва шамол станциялари) улуши кескин оширилди. Бу саноат корхоналарининг тўхтовсиз ишлаши ва янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари таъ-бири билан айтганда, иқтисодий ўсиш – бу фақат рақамлар эмас, балки одамларнинг чўнтагида пул қўпайиши, янги иш ўринлари ва фаровонлик демакдир.

Икки ҳужжат: РЕЖА ВА ИЖРО

2016 йилдан буён Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партия-сининг ягона нашри бўлган “XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси тахририятидаги муҳбирлик вазифам давоми-да мазкур сиёсий кучнинг фаолияти, дастури ва низо-ми билан яқиндан танишман. Ўз электорати ҳимоясини, аъзолари сафини мунтазам оширишга қатъий интилиб, бугунги кунда 2 миллион уч юздан ортик маслакдошига эга бўлган ушбу сиёсий куч ташкил этилган кундан буён ўз дастурини қадам-бақадам, аниқ мақсад сари амалга ошириб келяпти.

Ўз навбатида, Президент Шавкат Мирзиёев-нинг 2025 йил 26 декабрдаги Мурожаатномаси ва O‘zLiDeP Сайловолди дастури ўртасидаги уйғунлик ҳам эътиборни тортмай қўймайди. Чунки Президент айнан шу сиёсий кучдан номзод сифатида кўрсатил-ган ва партия дастури давлат раҳбарининг ислохотлар стратегияси билан ўзвий боғлиқ бўлиши табиий жара-ёндир. Асосий боғлиқлик “Ўзбекистон – 2030” стратеги-ясини амалга ошириш ва унинг ижроси устидан ҳисобот бериш тамойилига асосланган.

Ушбу икки муҳим ҳужжат билан чуқур танишар эканмиз, улар ўртасидаги муҳим параллеллар ва ривож-ланиш босқичлари қуйидагиларда намён бўлади:

1. **Стратегик мақсадларнинг изчиллиги** Сайловолди дастурида белгиланган 5 та устувор йўна-лиш (таълим, иқтисодиёт, ижтимоий ҳимоя, экология ва адолатли давлат) сўнгги Мурожаатноманинг мазмуний ўза-гини ташкил этди.

• **Сайловолди ваъдаси:** 2030 йилгача ялпи ички маҳ-сулот ҳажмининг **160 миллиард долларга** етказиш.

• **Мурожаатномадаги натижа:** 2025 йил якуни бўйича ЯИМ илк бор **145 миллиард доллардан** ошгани ва 2026 йил-да бу кўрсаткич **167 миллиард долларга** етказиш режаси эълон қилинди. Бу Сайловолди дастуридаги мақсадлар на-фақат бажарилаётгани, балки жадаллашаётганини кўрсатади.

2. **“Маҳаллабай” ишлаш ва ижтимоий йўналиш** Сайловолди дастурида “Давлат – инсон учун!” тамойи-ли асосида ижтимоий ҳимояни маҳалла даражасига туши-риш ваъда қилинган эди.

• **Боғлиқлик:** Президент 2026 йилни “Маҳаллаларни ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилди.

• **Амалий ижро:** Мурожаатномада 9 мингдан ортик маҳаллани обод қилиш, камбағалликни қисқартириш бўйи-ча “маҳалла еттилиги” тизимини янада кучайтириш вази-фалари қўйилди. Бу Сайловолди дастуридаги **кучли ижти-моий ҳимоя** ваъдасиданг бевосита давомидир.

3. **Таълим ва инсон капиталига инвестиция**

2023 йилги дастурда таълим сифатини ошириш ва боғ-ча-мактаблар қамровини кенгайтириш асосий ўринда эди.

• **Мурожаатномадаги урғу:** сўнгги Мурожаатномада таълим тизимидаги ислохотларнинг сифат босқичига ўти-лгани айтилди. Хусусан, олий таълимда қўш диплом тизимини кенгайтириш ва ёшларнинг замонавий касбларга эга бўлиши учун шароитларни (масалан, рақамли таълим) ошириш вази-фалари уша дастурдаги мақсадлар билан тўлиқ ҳамоҳанг.

4. **Иқтисодий ислохотлар ва тадбиркорликни қўл-лаб-қувватлаш**

Сайловолди дастурида тадбиркорлик учун солиқ юқи-ни қамайитириш ва инвестиция муҳитини яхшилаш ваъда қилинган.

• **Мурожаатномадаги кафолат:** Президент 2026 йилда ҳам асосий солиқ ставкалари ўзгаришсиз қолиши-ни ва тадбиркорлик инфратузилмаси учун **10 триллион сўмдан** ортик маблаг йўналтирилишини таъкидлади. Шу-нингдек, саноатни технологик янгилаш ва экспортни қўл-лаб-қувватлаш дастурида сайловолди платформасидаги иқтисодий эркинлик ғояларини мустаҳкамлайди.

5. **Экология ва “яшил” энергетика** Сайловолди дастуридаги “Яшил макон” лойиҳаси ва энергия муаммосини муқобил манбалар орқали ҳал қилиш банди Мурожаатномада ҳам муҳим ўрин эгаллади.

Натижа: Мурожаатномада 2026 йилда экология соҳа-сида туб бурилиш қилиниши, қайта тикланувчи энергия манбаларининг улушини ошириш бўйича аниқ рақамлар (қуёш ва шамол станциялари) келтирилди.

Хулоса қилиб айтганда, Президентлик сайловолди дастури – 2030 йилгача бўлган **стратегик ният** бўлса, сўнг-ги Мурожаатнома – шу йўлдаги **аниқ ҳисобот ва тактик режадир**. Мурожаатномада 2026 йилнинг **“туб бурилиш йили”** деб аталиши сайловолди ваъдаларининг ижроси ҳал қилувчи босқичга кирганини англатади.

ДАВЛАТНИНГ АСОСИЙ ҲАМКОРИ ВА БЮДЖЕТНИ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ КУЧ

Келинг, гап икки муҳим ҳужжат ва унинг вобастали-ги хусусида кетар экан, Шавкат Мирзиёев президентлик сайловида номзодини илгари сурган партиянинг асосий йўналиши бўлган биргина **тадбиркорлик соҳасини** таҳлил қилайлик. Ушбу соҳа Шавкат Мирзиёевнинг ҳам Сайловол-ди дастурида, ҳам сўнгги Мурожаатномасида иқтисодий ўсишнинг **драйвери** сифатида белгиланган. Сайловолди ваъдаларида тадбиркорларга эркинлик бериш ваъда қи-линган бўлса, Мурожаатномада бу эркинликни **институци-онал ва молиявий кафолатлаш** босқичига ўтилгани кури-нади.

Инчунин, Сайловолди дастурида тадбиркорлар учун солиқ тизимини соддалаштириш ва солиқ юқини ошир-маслик асосий ваъдалардан бири эди. Мурожаатномада Президент **қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ставкасини 12 фоизга** сақлаб қолш ва яқин йилларда бошқа асо-сий солиқ турлари (фойда солиғи, айланмадан олинади-ган солиқ)ни оширмаслик бўйича қатъий кафолат берди. Тадбиркорларни солиқчилар таъқибидан ҳимоя қилиш учун текширувлар тизими тўлиқ рақамлаштирилгани ва фақат хавфни таҳлил қилиш тизими орқали амалга оши-рилишини таъкидлади.

Сайловолди платформасида “Ҳар бир оила тадбир-кор” тамойили илгари сурилган эди. **Маҳаллани ривож-лантириш ва жамиятни юксалтириш йили** доирасида маҳаллаларда кичик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш нуқталарини ташкил этиш учун алоҳида дастурлар қабул

қилинди. Ҳоким ёрдамчилари тавсияси билан бериладиган имтиёзли кредитлар ҳажми оширилди. Эндиликда “маҳал-ла еттилиги” тадбиркорнинг фақат кредит олишига эмас, балки унинг маҳсулотини сотиш (маркетинг) ва бозорини топишга ҳам масъул этиб белгиланди.

Тадбиркорликни ривожлантириш учун ер ва инфрату-зилма (электр, газ, йўл) масаласи Сайловолди дастурида-ги энг кўп муҳокама қилинган банд эди. Мурожаатномада тадбиркорлик инфратузилмаси (саноат зоналари, логисти-ка марказлари) учун бюджетдан **10 триллион сўмдан** ор-тик маблаг ажратилиши эълон қилинди. Ер участкаларини фақат **аукцион орқали мулк ҳуқуқи сифатида** сотиш тизи-ми мустаҳкамланди. Бу эса тадбиркорларга ўз бизнеси учун узоқ муддатли ва хавфсиз капитал яратиш имконини беради.

Сайловолди дастурида Ўзбекистонни экспортёр дав-латга айлантириш мақсад қилинган эди. Эндиликда экс-порт қилувчи корхоналар учун айланма маблаглар ва транспорт харажатларини қоплаш бўйича янги компенса-ция механизмлари жорий этилди. Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га аъзо бўлиш жараёни тезлаштирилгани сабабли, маҳаллий тадбиркорларни халқаро стандартларга (ISO, Global GAP) мослаштириш учун алоҳида грантлар ажрати-лиши белгиланди.

Ана шу каби сайё-ҳаракатлар натижаси ўлароқ тад-биркорлар учун 2026 йилда қувонarli енгилликлар жо-рий этилиши кутилмоқда. Жумладан, кичик бизнесни қўл-лаб-қувватлаш дастури доирасида 100 миллион сўмгача гаровсиз кредитлар берилади. Қуёш панеллари ўрнатган ишбилармонларга солиқ имтиёзлари ва ортикча энергия-ни сотиш имкони яратилади. Яна 50 дан ортик бюрократик ҳужжатлар ва лицензиялар бекор қилинади. Кластер тизи-мидан саноат экотизимига ўтиш орқали кичик корхоналар йирик саноатга боғланади. Бундан ташқари, эндиликда ер участкалари фақат **e-auction** орқали шафдоф сотилади. Тадбиркор ерни сотиб олганда унга коммуникация (электр, газ, сув) тармоқларини олиб келиш харажатларининг бир қисмини давлат ўз зиммасига олади. **Муҳим янгилликлар-дан яна бири шуки**, 2025 йилдан бошлаб қишлоқ саноат зо-наларида ишлаётган тадбиркорларга ердан доимий фой-даланиш ҳуқуқи эмас, балки уни **хусусийлаштириш** ҳуқуқи берилмоқда.

Эслайлик, Шавкат Мирзиёевнинг Сайловолди дасту-рида тадбиркорликка **имконият сифатида** қаралган бўл-са, 26 декабрдаги Мурожаатномада тадбиркор **давлат-нинг асосий ҳамкори ва бюджетни шакллантирувчи куч** сифатида тан олинди. Ҳозирги босқичда асосий урғу бизнесни соядан чиқариш эмас, балки унинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашга қаратилган. Мурожаатно-ма – бу **O‘zLiDeP** сайловда ваъда қилган “500 вазифа”нинг энг муҳимларини **давлат сиёсати даражасига кўтарили-ган ижро режасидир**. Яъни, қисқача қилиб, бу икки ҳуж-жатни **“режа ва унинг ижроси”** деб таърифлаш мумкин.

Сайловолди дастури – бу халққа берилган ваъда ва сиёсий мақсад бўлса, Мурожаатнома – уша мақсадларга эришишнинг аниқ йўл харитаси ва ҳисоботидаир.

Сўз эркинлиги ва ОАВ

Оддий бир журналист сифатида фахр билан айтишим мумкинки, Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йилги Сайловолди дастури ва 2025 йил 26 декабрдаги Мурожаатномасида **сўз эркинлиги ва ОАВ масалалари давлат сиёсатининг ўзвий қисми** сифатида алоҳида қайд этилганидан бошим осмонга етди.

2023 йилги муддатидан олдинги президентлик сай-ловларида Шавкат Мирзиёев **“Ўзбекистон – 2030” стра-тегияси** доирасида сўз эркинлиги бўйича муҳим вазифа-ларни илгари сурган эди:

• **Орта қайтмас жараён:** Президент сўз ва матбуот эркинлиги, очиқлик ва жамият устидан жамоатчилик на-зоратини ўрнатиш бўйича бошланган ишлар ортга қайтмас эканини қатъий таъкидлаган.

• **Қонуний ҳимоя:** Журналистлар ва блогерларнинг эркин фаолият юритиши учун ҳуқуқий кафолатларни куч-чайтириш, ахборот олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқларни конституциявий даражада мустаҳкамлаш ваъда қилинган.

• **Масъулият ва эркинлик:** Президентнинг “Сўз эр-кинлиги бу – масъулият ҳам дегани” тамойили дастурнинг бош ғояси бўлиб, ахборот маконида ҳаққонийлик ва холис-лик асосий мезон бўлиши қарорлиги айтилган.

• **Давлат идораларининг очиқлиги:** Давлат орган-ларининг жамоатчилик олдида ҳисобдорлигини таъмин-лашда ОАВнинг ролини ошириш кўзда тутилган.

2025 йил якунида йўлланган Мурожаатномада Пре-зидент 2026 йил **барча соҳаларни ривожлантиришда туб бурилиш йили** бўлишини айтди. Унда ОАВ масаласи ижти-моий ва сиёсий ислохотлар контекстида қуйидагича ифо-даланган:

• **Тизимли мулоқот:** Жамиятда халқ овозини эшитиш тизими янги босқичга чиқиси лозимлиги, бунда ОАВ на-фақат ахборот берувчи, балки муаммоларни ечишда дав-латга қўмаклашувчи куч сифатида эътироф этилди.

• **Жамоатчилик назоратининг янги институти:** Му-рожаатномада тилга олинган **Халқ вакиллари ҳайъати** институтини жорий этишда ОАВнинг роли алоҳида таъкид-ланиб, давлат органлари фаолияти устидан мониторинг юри-тишда журналистларга кенг имконият берилиши айтилди.

• **Рақамли эркинлик ва хавфсизлик:** Ахборот мако-нининг кенгайиши шароитида сўз эркинлигини таъминлаш билан бирга, ёлғон маълумот (фейк) ва кибермақондаги хавф-хатарга қарши курашиш масалалари ҳам кун тарти-бига қўйилди.

Жаҳонда рақамли трансформация жараёнлари жадал суръатлар билан кечаётган бир пайтда сунъий интеллект (СИ) технологиялари аллақачон иқтисодиёт, давлат бошқаруви, таълим, тиббиёт ва хавфсизлик соҳаларида ҳал қилувчи омилга айланиб бораётгани сир эмас.

Сунъий интеллект талабми ё эҳтиёж?

Таъкидлаш керакки, бугун ҳар қадамда “Сунъий интеллект” ибораси ишлатилмайдиган соҳа қолмади ҳисоб. Қизиқ томони, ёш қари баб-баравар “СИ ўзи нима?” деган саволга жавоб ҳам изламаётганидир. Демак, у ҳаётимизга яшин тезлигида кириб келди, вассалом!

Хўш, сунъий интеллект инсониятга нима беради? Фойдаси кўпми ё зарари? СИсиз яшаш мумкин эмасми? Ўзбекистонда бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Ваҳоланки, СИнинг нима эканлигига аниқ жавоб бор. Агар қонунчилигимизга юз тутадиган бўлсак (ушбу қо-

бориб эса 10 баробарга ошиши прогноз қилинмоқда.

Мисол учун, СИ технологияларининг инфратузилмаларини ривожлантириш мақсадида 2025 йилнинг ўзида АҚШда **500 млрд доллар**, Европа Иттифоқида эса **200 млрд доллар** маблағ ажратилиши борасида стратегик қарорлар қабул қилинди.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларида сунъий интеллект технологияларини жорий этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ундан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларнинг ҳуқуқий, технологик ва иқтисодий асосларни белгилаш бо-

сигача ҳар йили 100 нафар энг иқтидорли ёшлар саралаб олиниб, АҚШ, Бирлашган Араб Амирликлари, Европанинг илғор технологик компанияларига малака оширишга юборилади.

Алоҳида айтиб ўтиш лозим, 2025 йилнинг 26 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг **Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси** эълон қилинди. Унда муҳим соҳалар қаторида СИни ривожлантириш ва ундан фойдаланиш масалаларига ҳам катта урғу берилди.

Жумладан, 2025 йил давомида ИТ, финтех, сунъий ин-

жуд. Бироқ, ушбу давлатларда сунъий интеллект соҳасини ҳуқуқий асослари алоҳида қонун сифатида шакллантирилмаган;

Иккинчиси – Европа Иттифоқи модели мисолида соҳага оид муносабатлар алоҳида қонун билан тартибга солиниб, қатъий чегаралар белгиланган. Хусусан, Европада сунъий интеллект билан боғлиқ муносабатлар алоҳида қонун – 2023 йилда қабул қилинган “Сунъий интеллект тўғрисида”ги Акт билан тартибга солинган. Шунингдек, МДХ давлатлари Парламентлараро ассамблеяси томонидан 2024 йил 22 октябрда “Сунъий интеллект технологиялари тўғрисида”ги намунавий қонун ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, унга аъзо давлатларга тавсия сифатида йўналтирилган.

Миллий қонунчилигимизда ҳам ушбу соҳани ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида қонунчилик ташаббус ҳуқуқи асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари қўмитасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан “Сунъий интеллектни қўллаш орқали юзага келадиган муносабатларни тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда 2025 йилнинг август ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қабул қилинди.

СИни ривожлантириш билан боғлиқ жараёнларда яна бир жиҳатга эътибор қаратиш жуда муҳим. Яъни ҳаётини мисолларда кузатилаётганидек, кейинги пайтларда сунъий интеллект ижтимоий-сиёсий жараёнлар, айниқса, инсон ҳуқуқлари, шахсий маълумотлар дахлсизлиги учун таҳдидларни юзага келтира бошлади. Хусусан, 2023 йилда интернетда сунъий интеллект ёрдамида ишлов берилган 1129 та ноқонуний материал тарқатилганлиги аниқланган. Бунда аҳолининг ишончига кириш мақсадида мансабдор, йирик тадбиркор ва бошқа таникли шахсларнинг қиёфалари ҳамда овозларидан фойдаланилган. Демак, бу борада ҳушёрликни янада ошириш ва СИ тизимларидан фойдаланишда хавф даражаларини аниқ белгилаб олиш долзарб масала ҳисобланади.

Халқаро тажрибада, масалан, Европа Иттифоқи томонидан қабул қилинган “Сунъий интеллект тўғрисида”-ги **Актга** асосан Сунъий интеллект тизимлари хавф даражасига кўра 4 тоифага бўлиниши белгиланган: **йўл қўйиб бўлмайдиган хавф** (онгни манипуляция қилиш ёки ижтимоий рейтинг) – таъкидланади; **юқори хавф** (тиббиёт, транспорт, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари) – қатъий текширув ва сертификациядан ўттиши керак; **чекланган хавф** (чат-ботлар) – минимал назорат талаб қилинади; **паст ёки ноль хавф** (йўнлардаги сунъий интеллект) – деярли тартибга солинмайди.

Айтиш лозимки, СИ тўғрисидаги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ишлаб чиқувчилар алгоритмларнинг шаффофлигини, хавфсизлигини ва камситишни олдини олишни таъминлашлари, фойдаланувчилар белгиланган қоидаларга риоя қилишлари ва хавфлар ҳақида хабар беришлари ва шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича қатъий қоидалар белгиланиши муҳим омил ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг сунъий интеллект технологияларини ривожлантиришга қаратилган фармони ҳамда Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси мамлакатда рақамли иқтисодиётни шакллантиришда муҳим стратегик қадам ҳисобланади. Ушбу ҳужжатлар сунъий интеллект соҳасида илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш, инновацион муҳитни ривожлантириш ва давлат бошқарувини замонавий босқичга олиб чиқиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди. Соҳада белгиланган барча вазифаларнинг самарали ижроси Ўзбекистоннинг технологик тараққиётига хизмат қилиши шубҳасиз.



Шухрат ШАРАФУТДИНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси раиси уринбосари

нун Олий Мажлис Қонунчилик Палатасида қабул қилинган), унда СИга қўйиладиган таъриф берилган: **инсоннинг билим ва кўникмаларига тақлид қилиш, шу жумладан, мустақил равишда ўрганиш ва ечимларни излаш ҳамда аниқ вазифаларни бажаришда инсон ақлий фаолияти натижалари билан таққосланадиган натижаларни олиш имконини берадиган технологик ечимлар мажмуи**.

Демак, сунъий интеллект – бу инсон ақлига хос вазифаларни бажара оладиган дастурий тизимларни яратишга қаратилган технология. Унда маълумотларни таҳлил қилиш, ўрганиш, қарор қабул қилиш, овоз ва тасвирни таниш, табиий тилни тушуниш каби имкониятлар мавжуд.

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳам ушбу глобал тенденциялардан четда қолмасдан, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва инновацион технологияларни жорий этишни давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 22 октябрдаги **“Сунъий интеллект технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги 189-сонли фармони мамлакатда СИ соҳасини тизимли ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоғи шубҳасиз.

Давлат раҳбари имзолаган мазкур ҳужжатда сунъий интеллект технологияларини иқтисодиёт тармоқлари ва давлат бошқарувига кенг жорий этиш; СИ соҳасида илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш; малакали мутахассислар тайёрлаш ва кадрлар салоҳиятини ошириш; маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, 2030 йил якунига қадар замонавий сунъий интеллект инфратузилмасини ривожлантиришга 1 миллиард АҚШ долларидан ортиқ миқдорда хорижий инвестицияларни жалб қилиш; ахборот хавфсизлиги ва қатъийларини таъминлаш каби соҳани ривожлантиришга қаратилган асосий мақсадлар белгилаб берилган.

Шунингдек, фармонда СИни жорий этишнинг аниқ механизмлари ҳам назарда тутилгани эътиборга лойиқ. Хусусан, давлат органлари фаолиятида СИ асосида ишловчи ахборот тизимларини татбиқ этиш, тиббиётда диагностика ва даволаш сифатини ошириш, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни прогноз қилиш, транспорт ва логистикада интеллектуал бошқарув тизимларини жорий этиш каби йўналишлар устувор вазифалар сифатида белгиланган. СИ соҳасида стартапларни қўллаб-қувватлаш, грантлар ва молиявий имтиёзлар ажратиш, махсус лабораториялар ва тадқиқот марказларини ташкил этиш ҳам бу фармоннинг муҳим жиҳатларидан биридир.

Таҳлилий маълумотлардан кўриняптики, дунёда сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш ҳамда уни молиялаштириш ҳажми ошиб бормоқда. Аксар давлатлар бу йўналишга оид инвестицияларни янада кенгроқ жалб этишга интилмоқда. Масалан, соҳага қилинган инвестициялар 2023 йилда **154 млрд долларни** ташкил этган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 2 баробарга ошган ва 2030 йилга

расида тегишли чоралар кўрилмоқда. Оддий мисол, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2025 йилнинг 13-15 январь кунлари БААга расмий ташрифи доирасида имзолаган стратегик шериклик декларацияси доирасида сунъий интеллект йўналишида мутахассисларни тайёрлаш бўйича қўшма лойиҳа ва дастурларни амалга оширишни истиқболли йўналиш сифатида белгиланганлиги бу жабҳанинг ривожланиши йўлида ташланган жиддий қадамлардан бири бўлди.

Аёнки, бу соҳада тизимли ислохотлар амалга оширилиб келинаётганлиги натижасида мамлакатимиз сунъий интеллектни татбиқ этиш бўйича халқаро рейтингда тобора юқорилаб бораётгани кузатилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон **“Сунъий интеллектга тайёргарлик индекси”**да (AI Readiness Index) 2023 йилда 87-ўринни эгаллаган бўлса, 2024 йилда 17 поғона юқорилаб, 70 ўринга кўтарилди, 2025 йил натижаларига кўра, 8 поғона юқорилаб, 62 ўринга кўтарилди. Шу билан бирга, ушбу кўрсаткичларни янада яхшилаб бориш, соҳани ривожлантириш ва мамлакатнинг мазкур рейтингда биринчи 50 та ўриндаги давлатлар қаторига киришига эришиш вазифаси белгиланди.

Бунинг учун эса, албатта, олдинда ҳали қилиниши керак бўлган ишлар кўлами катта. Шу мақсадда, Президент ташаббуси билан 2024 йил 14 октябрда Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш Стратегияси қабул қилиниб (**ПҚ-358-сон**), Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузурида махсус марказ ташкил этилди. Стратегия ижроси доирасида 3000 дан зиёд давлат ташкилотлари ходимларининг сунъий интеллект бўйича малакаси оширилди. Соғлиқни сақлаш соҳасида қиймати 1 млн. АҚШ доллар билан замонавий кичик супер-компьютер ишга туширилди.

Шу билан бирга, сунъий интеллектни таълим тизимида жорий этиш, ўқитувчиларни қайта тайёрлаш, мактаб ва олий ўқув юртларида соҳа бўйича саводхонликни ошириш дастурлари амалга татбиқ этилмоқда. Мактаблар ва олий таълим муассасалари ўқув дарсликларида сунъий интеллект мавзулари киритилмоқда. Стратегия билан 2024–2025 ўқув йили учун “Сунъий интеллект” йўналишида кадрлар тайёрлаш бўйича жами 14 та олий таълим муассасаларида 2 089 та квота ажратилган бўлса, 189-сонли Президент фармони билан ушбу квотани 2026–2027 ўқув йилида 35 фоизгача ошириш белгиланди.

Қолаверса, 2025 йил ноябрь ойда бўлиб ўтган форумда ҳам давлатимиз раҳбари соҳани янада ривожлантириш учун бир қатор ташаббусларни илгари сурди ва бунда, айниқса, ёшларни шу соҳага йўналтириш ишлари кўзда тутилган. Яъни, эндиликда ёшларимиз мактабдан ташқари ҳам сунъий интеллект билан ишлаш кўникмаларига ўргатилади. Мактаблар ўртасида ҳар йили сунъий интеллект йўналишида энг яхши стартап ғоялари бўйича танлов ўтказиш тизими йўлга қўйилади. Соҳадаги истиқболли ёшларни аниқлаш ва уларни қўшимча рағбатлантириш мақсадида “Сунъий интеллект бўйича Президент танлови” ташкил этилади. Чекка туманлардан тортиб, республика даража-

теллект каби йўналишлардаги маҳаллий стартапларга хориждан 270 млн доллар инвестиция жалб қилингани таъкидланди ва 2026 йилдан эътиборан “Рақамли стартаплар” дастурини кенгайтириб, стартап ғоясидан то экспортгача кўмаклашадиган янги тизим йўлга қўйилиши, бунда хусусий стартап марказларини ташкил этиш учун Ёшлар жамғармасидан беш йил муддатга 5 миллиард сўмгача фойсиз ссуда берилиши белгиланди.

Бундан ташқари, 2026 йилда Тошкент шаҳри, Бухоро, Фарғона ва Тошкент вилоятларида 4 та “Дата марказ”, 2 та супер-компьютер ва 15 та олий ўқув юртида сунъий интеллект лабораторияси фаолияти йўлга қўйилиши айтиб ўтилди. Бу эса ўз ўрнида тиббиёт, транспорт, қишлоқ хўжалиги, геология, банк-молия, жамоат хавфсизлиги каби муҳим соҳаларда 100 дан ортиқ сунъий интеллект лойиҳаларини амалга оширишга хизмат қилади.

Бугунги кунда юртимизда минглаб иқтидорли ёшларимиз ИТ ва сунъий интеллект бўйича изланишлар олиб бориб, улкан ютуқларга эришмоқда. Уларнинг қанча, дрон, робототехника каби йўналишлардаги конструкторлик лойиҳаларини амалиётга татбиқ қилиш учун Рақамли технологиялар маркази ташкил этиш режалаштирилди ва ушбу мақсадлар Осий тараққиёт банкидан 200 млн доллар ажратиш орқали қўллаб-қувватланади.

Сунъий интеллект билан ёнма-ён юрадиган космик соҳадаги тадқиқотларни ривожлантириш, йўлдошли алоқа технологияларини жорий этиш борасида ҳам катта қадамлар ташланаётганлиги, бу борада 2028 йилда Самарқандда Халқаро астронавтика конгрессини ўтказиш белгилангани ва унга пухта тайёргарлик кўрилатгани таъкидланди.

СИ билан боғлиқ яна бир муҳим масала, 2026 йилдан бошлаб Электрон ҳукумат платформаси тубдан янгиланади. Энди барча давлат идораларининг 1 мингдан зиёд давлат хизматлари, 5 мингдан ортиқ функция ва 100 фангалари, 200 та маълумот базаси ва ахборот тизими, 100 мингдан зиёд давлат хизматчисининг маҳалла, туман, вилоят, республика даражасидаги ваколатлари Ягона рақамли платформага интеграция қилинади. Платформага келиб тушган мурожаатлар, уларни ижрочиларга тақсимлаш ва кўриб чиқиш муддатини назорат қилиш эса сунъий интеллект орқали амалга оширилади.

Албатта, СИ соҳасини тизимли ривожлантиришда қонунчилик нуқтаи назаридан ҳуқуқий асослар билан таъминлаш жуда муҳим ҳисобланади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жаҳонда сунъий интеллект технологияларини тартибга солувчи ҳуқуқий асосларни яратишда 2 хил тенденция кузатилмоқда:

Биринчиси – бунда сунъий интеллект технологияларининг эркин ривожланиши учун давлат томонидан қонуний чегаралар белгиланмайди, зарур ҳолатда амалиётдан келиб чиқиб, алоҳида маҳсулот ва хизматлар учун махсус тартиблар белгиланади. Мисол учун, АҚШ, Хитой, Япония, Канада, Жанубий Корея каби давлатлар қонунчилигида сунъий интеллект билан боғлиқ муносабатларни дастлабки қадам сифатида тартибга солувчи ҳуқуқий асослар мав-



ФАРМОН ВА ИЖРО

РЎЙХАТГА ОЛИШ

ЖАРАЁНИ БОШЛАНАДИ!



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2025 ЙИЛ
19 СЕНТЯБРДАГИ ФАРМОНИГА
МУВОФИҚ, 2026 ЙИЛ
15 ЯНВАРДАН 28 ФЕВРАЛГА
ҚАДАР МАМЛАКАТИМИЗДА
АҲОЛИ ВА ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИНИ РЎЙХАТГА
ОЛИШ ТАДБИРИНИ ЎТКАЗИШ
БЕЛГИЛАНГАН.**

Аҳолини рўйхатга олиш – муайян вақтда мамлакат ҳудудига яшовчи барча аҳоли ҳақида демографик, ижтимоий ва иқтисодий маълумотларни йиғиш жараёнидир. Бу одамларнинг ёши, жинси, оилавий ҳолати, таълим даражаси, миграция жараёнлари, иш билан бандлиги ва даромад манбалари ҳақида ягона маълумотлар базаси шаклланишига ёрдам беради. Натижада демографик, ижтимоий ва иқтисодий кўрсаткичлар аниқлаб олинади. Шу тарика қайси ҳудудда янги тураржой масканлари, йўл ва кўприк, янги мактаб ва поликлиникалар қуриш кераклигидан тортиб, ижтимоий муҳофаза, қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш, чорвачилик ва паррандачилик кўрсаткичларига маълум бўлади. Фақат аниқ маълумотлар асосидагина бюджет маблағларини тўғри йўналтириш мумкин.

“Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги қонунда аҳолини ҳар 10 йилда, қишлоқ хўжалигини эса ҳар 5 йилда камиди бир марта рўйхатдан ўтказиш белгиланган. 2021 йили аҳолини, 2022 йили эса қишлоқ хўжалигини синов тариқасида қисман рўйхатга олиш амалга оширилган эди. Лекин тўлақонли рўйхатга олиш жараёнини ташкил этиш учун зарур омилар ва халқаро тажрибаларни ўрганиш

ҳамда тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш маълум вақтнинг тақозо этиши боис бу тадбир кейинга қолдирилганидан хабардорсиз.

Президентимизнинг 2025 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш тўғрисида”ги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 7 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига қўра, аҳоли ва қишлоқ хўжалигини умуммиллий рўйхатга олиш 2026 йил 15 январдан 28 февралга қадар амалга оширилади.

Дастлабки 17 кун интернет орқали, кейинги бир ой мобайнида эса “маҳалла еттилиги” иштирокида уйма-уй юриб рўйхатга олинади. Жараёнинг оддий ва шаффоф тарзда ташкил этилишига эътибор қаратилади. Саволларнинг сони аввал режалаштирилган 328 тадан 71 тага қисқартирилди. Рўйхатга олиш натижа-сида Европа статистиклар конференция-сининг 2020 йилдаги тавсиялари асосида аҳолининг таркиби ва миграцияси, оила-вий ҳолати, фаолият тури, даромад ман-балари тўғрисида ягона маълумотлар базасини шакллантириш вазифаси бел-гиланди.

Мамлакатимиздаги қишлоқ хўжа-лиги ерларидан фойдаланиш ҳолати, чорва моллари ва паррандалар сони ҳам аниқланадиган бўлди. Аниқроқ айтган-да, қишлоқ хўжалигига йўналтирилаёт-ган йиллик 25,6 триллион сўм, жумладан, 2,2 триллион сўм бюджет маблағлари-нинг самарадорлиги, соҳадаги хизматлар ҳажми ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъ-

минлаш учун зарур маълумотлар тўплами яратилиши ҳисоблаб чиқилмоқда.

Аҳолини рўйхатга олиш меҳнат бозо-ри учун ҳам катта аҳамиятга эга. Бандлик даражаси, касблар таркиби ва ишсизлик ҳолати ҳақидаги маълумотлар асосида янги иш ўринлари яратиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Бу эса иқтисодий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Жараёнда қишлоқ хўжалиги тар-моқларининг ҳолати, ишлаб чиқариш са-лоҳияти ва мавжуд муаммолар ҳақида аниқ ҳамда ишончли маълумотлар тўпла-нади. Ер майдонлари, экин турлари, ҳо-силдорлик даражаси, чорва сони, фер-мер ва деҳқон хўжаликлари фаолияти, қишлоқ хўжалиги техникаси ҳамда ишчи кучи ҳақидаги маълумотлар йиғила-ди. Булар аграр сиёсатни тўғри йўналтириш ва ресурслардан самарали фойдаланиш имконини беради. Озиқ-овқат хавфсиз-лигини таъминлашда алоҳида ўрин тутад-и. Аниқ статистик маълумотлар асосида аҳолини етарли ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, маҳсу-лот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва импорт-экспорт сиёсатини режалашти-риш мумкин бўлади.

Қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш фермер хўжаликларини қўллаб-қувват-лашга ҳам хизмат қилади. Давлат томо-нидан субсидиялар, кредитлар ва замо-नावий агротехнологияларни жорий этиш айнан шу маълумотларга таянади. Бу эса қишлоқ аҳолисининг даромадини оши-риш ва қишлоқ ҳудудларини ривожлан-тиришга олиб келади.

Ушбу жараёнда фаол иштирок этиш ҳар бир фермер ва қишлоқ аҳолиси учун умумий тараққиётга қўшилган ҳис-

са ҳисобланади. Йиғилган маълумот-лар қонун асосида махфий сақланади. Фуқаролар томонидан берилган шах-сий маълумотлар махфий сақланади ва фақат умумлаштирилган шаклда таҳлил учун фойдаланилади. Бу иштирокчилар-нинг ишончини мустаҳкамлайди.

Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш орқали мамлакат тараққи-ёти учун зарур муҳим ахборот манбаи яратилади. Бу мамлакатнинг инсоний салоҳияти, ресурслари, эҳтиёжлари ва истиқболларининг кенг қўламли инвен-таризациясидир. Натижада давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати аниқ маъ-лумотларга таяниб шакллантирилади. Шу маънода жараёнда ҳар бир фуқаронинг фаол иштирок этиши халқимиз келажаги учун муҳим аҳамиятга эга.



Ойбек ОСТОНОВ,
Тошкент давлат аграр
университети кафедра
мудир, тарих фанлари доктори

МУҲИМ ТАДБИР АРАФАСИДА

Президентимиз томонидан 2025 йил 19 сентябрда имзоланган “Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш тўғрисида”ги фармонга мувофиқ шу йилнинг 15 январидан 28 февралгача мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён – аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбири ўтказилади.

Шу муносабат билан барча ҳудудларда бўлган-дек, Қашқадарё вило-ят статистика бошқармаси мутахассислари ташаббуси билан “Шўртан газ кимё” мажмуасида ҳам амалий семинар ташкил этилди.

Тадбирда мутахас-сислар ушбу ҳужжатнинг мазмун-моҳияти, ходим-лар учун **census.stat.uz** портали орқали **OneID** ти-зими ёрдамида онлайн рўйхатдан ўтиш тартиби, рўйхатга олиш жараёни-нинг босқичлари ва савол-нома таркиби, шунингдек, шахсий маълумотларнинг қонун ҳужжатлари билан кафолатлангани ҳақида ба-тафсил маълумот берди.

Рўйхатга олишдан мак-сад – мамлакат иқтисодий ва ижтимоий соҳаларнинг ҳолатини аниқлаш ва шу маълумотлар асосида дав-лат дастурларини ишлаб чиқишдан иборат. Шу би-лан бирга, аҳолининг тур-муш даражаси ва моддий аҳоли ҳақидаги маълумот-лар ҳам тўпланиб, меҳнат

бозори ва бандлик масала-лари таҳлил қилинади. Бу жараён ҳудудлар иқтисо-диётини ривожлантириш, аҳолининг турмуш фаро-вонлигини ошириш учун самарали тизим яратишга хизмат қилади.

Семинарда мажмуа ишчи-хизматчилари ҳамда O‘zLiDeP фаолларига аҳо-ли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш бўйича таш-кил этилган штаблар фа-олиятини самарали йўлга қўйиш, жараёнларни си-фатли ва ўз вақтида амалга ошириш, моддий-техник ба-зани янгилаш, ҳужжатлар билан ишлашни тақомил-лаштириш, ишчи гуруҳ фа-олиятини тизимли ташкил этиш билан боғлиқ ишлар хусусида ахборот берилди.

Рўйхатга олишда тез-корлик, аниқлик, тизимли ҳисоб ва натижаларнинг шаффоф юритилиши маса-лалари бўйича ҳам мулоҳа-залар билдирилди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

ШУКУҲ

Уرғутни бир зиёрат қилинг!

Ўтаётган йил, айниқса, урғутликлар учун ҳам алоҳида фахр бағишласа ажабмас. Боиси, давлатимиз раҳбари Самарқанд вилоятига ташрифи давомида Урғутда ҳам бўлиб, туманни янада ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш учун бир қатор муҳим ташаббусларни ўртага ташлагани ҳудуд халқини беҳад қувонтирди.

Урғут мамлакатимиз туманлари орасида аҳолиси энг кўп ҳудуд, яъни 650 мингга етиб бораётганини инобатга оладиган бўлсак, бу жуда катта салоҳият деганидир. Тасаввур қил-яписи, аҳолининг иқтисодий фаол қатлами 207 минг нафар ва уларнинг 197 мингга фойда-ли меҳнат билан банд. Албатта, шунга яраша имконият ва табиийки, муаммолар қўлами ҳам кам эмас.

Жорий йилнинг тўққиз ойида туманда 29 мингдан ортиқ иш ўрни яратилиб, ишсизлик даражаси 4,7 фоизга тушгани қайд этилган. Йил бошида 11597 (9,1 фоиз) камбағал оила реестрга киритилиб, 1 ноябрь ҳолатига қўра уларнинг 4570 таси камбағалликдан чиқарил-ган.

Туманда ўтказилган йиғилишда Прези-дентимиз барча имкониятларни сафарбар қи-либ, келаси йил камбағаллик ва ишсизлиكنи 2 фоиздан тушириш кераклигини таъкидлади. 2017 йилда “Урғут” эркин иқтисодий зо-наси ташкил қилиниши ортдан шу пайтгача 860 миллион долларлик 74 та лойиҳа амалга оширилди ва туман sanoatlashgan ҳудудга ай-ланди. Ҳозир туман вилоят sanoatida учинчи, сервис-хизмат кўрсатиш соҳасида тўртинчи ўринда.

Бу йил Самарқанд шаҳридан Урғут тума-нига 55 километр масофага темир йўл тармоғи қурилди ва йилига 359 минг йўловчи ҳамда 8,2 миллион тонна юк таший имконияти яратил-ди. Қўтиллари воқеа шу бўлдики, Президент Шавкат Мирзиёев бу гал Урғутга ана шу янги темир йўл орқали поездда келди! Кимнинг ха-ёлига келганди, айтинг.

Вокзалда туман жамоатчилиги вакиллари билан учрашувда, шунингдек, халқ депутатла-ри Самарқанд вилояти кенгашининг навбат-дан ташқари сессиясида давлатимиз раҳбари Урғутни янада ривожлантириш, тадбиркорлик имкониятларини кенгайтириш ва аҳоли учун замон талабларига мос турмуш шароитла-ри яратиш юзасидан бир қатор вазифаларни белгилаб берди. Жумладан, маҳаллалар ин-фратузилмасини яхшилаш учун 2026 йилда туманга 260 миллиард сўм ажратилиши айтил-ди. Мисол учун, Тинчлик маҳалласи ҳудудидан логистика маркази қуриш учун 5 гектар жой ажратилиб, 5 миллиард сўмлик инфратузилма қилиб берилди ва 100 га яқин дўкон, ошхона ҳамда сервис объектлари қурилади.

Шунингдек, 8 та маҳалла инфратузилма-си учун Ислон тараққиёт банкидан 10 милли-он доллар жалб қилинади. Тожикистон билан чегарадош 15 та маҳаллада меҳмон уйи ва дам олиш маскани қуришга 10 миллиард сўм ре-сурс йўналтирилади. Ёки туман марказидаги 1,5 километрли Навоий шоҳ кўчаси туну кун ишлайдиган масканга айлантирилади. Бу ер-

да 60 та савдо-сервис объекти ташкил этилиб, 500 та иш ўрни яратилади.

2 минг гектар ғалла ва 3,5 минг гек-тар тамаки ер майдонлари мева-сабзавот экишга ўтказилади. Янги ўзлаштираётган



5,5 минг гектар ерда юқори даромад бера-диган экспортбон маҳсулотлар етиштирила-ди. 500 гектар тоғонли ва яйлов ҳудудларда sanoatlashgan узузмор ташкил этилиб, аҳо-лига бўлиб берилади. Ушбу ерларга сув олиб чиқиш мақсадида артезиан қудуғи қазиб, 15-20 киловаттлик қуёш панели ўрнатиш харажат-лари учун 30 миллиард сўм арзон ресурс бери-лади. Туманда мавжуд яйловлардан самарали фойдаланиб, қўшимча равишда 40 минг бош қўй-эчки боқиб йўлга қўйилади.

– Давлатимиз раҳбари ҳар гал учрашгани-мизда “урғутликларнинг кайфияти қандай?” деб сўрайди, – дейди “Нуроний” жамғармаси Урғут тумани бўлими раиси Фармон Азизов. – Урғут бугун шунчалик ўзгариб, ислохотлар марказига айланганки, бундан халқимиз жуда хурсанд, кайфияти аъло даражада.

Бир пайлар ишсизлик энг катта муаммо бўлган Урғутда бугун бекорчи одамни топиш қийин. Қўллаб тадбиркорларимиз ўз корхона-

сига қўшни туманлардан ишчиларни жалб қил-моқда. Камбағал оилалар камаймоқда. Иш ўр-ни, доимий даромад манбаи бўлганидан сўнг одамлар рўзгор тебратишга қийналмаяпти, орзу-ниятларига етаяпти.

Урғутдаги йиғилиш чоғида давлатимиз раҳбари бугунги кунда туман марказидаги 24 та маҳаллада 100 мингга яқин аҳоли ис-тикомат қилиши, улар уй-жой, канализация, ичимлик суви, мактаб, боғча, шифохона, биз-нес инфратузилмаси билан боғлиқ масалалар ечимини анчадан бери қутаётганини алоҳида таъкидлади. Ана шу жиҳатлар ҳисобга олинган

ягона маъмурий марказ қурилади. Биз ушбу тарихий ҳужжат қабул қилинган куннинг ўзида ишга киришиб, ҳудуднинг топографик съёмка-си, лойиҳа смета олди ҳужжатлари ва бош ре-жани тайёрлашга киришдик. Бу вазифа шах-сан вилоят ҳокимининг назоратида турибди ва ҳар кун кунлик ишлар юзасидан ҳисобот бериб бормоқдамиз.

Президентимиз янги шаҳарча қурили-шида хориж тажрибасини ўрганиш ва керак бўлса, четдан мутахассисларни олиб келиб, лойиҳани замон талабларига мос, мукаммал ҳолда ишлаб чиқиш топширигини берди. Ҳо-зирда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда бу борада иш олиб боряпмиз. Дастлабки режага қўра, янги шаҳарчада қу-рилиш ишлари 2026 йилда бошланади ва тўрт босқичда амалга оширилади. Насиб этса, ик-ки-уч йилда замонавий қиёфадаги, кўркам шаҳарча пайдо бўлади.

Қайд этиш лозим, маэкур ҳудудда бугунги кунда 39,2 гектар майдонда “Янги Ўзбекистон” массиви бунёд этилмоқда. Бу ерда 58 та кўп қаватли уй, 4 та мактаб, 4 та боғча, поликли-ка ва бошқа объектлар қурилмоқда.

Туман ҳокими ўринбосарининг изоҳ бери-шича, янги шаҳарча қурилиши ҳақидаги қарор-ни қурилиш-пудрат ташкилотлари ва уларнинг ишчилари ҳам жуда катта хурсандчилик билан қабул қилди. Улар “Янги Ўзбекистон” массиви қурилиш ишлари якунланганидан сўнг тендер танловларида қатнашиб, янги шаҳарча қури-лишида ҳам иштирок этиш ниятида.

Президент ташрифи, айниқса, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси электорати ва-киллари ҳисобланган тадбиркорлар қалбида ўзгача ғурур уйғотди, уларга ғайрат-шижоат бағишлади. Чунки Шавкат Мирзиёев 2016 йил-да туманга келганида Урғутни sanoat зонасига айлантириш ташаббусини илгари суриб, ушбу қатлам соҳиблари учун янада кенг имконият-лар яратилиши, имтиёзлар берилишини айтган эди-да. Ўтган давр мобайнида белгиланган ээ-гу мақсадлар рўёбга чиқди. Бугун бу ҳудуд чин маънода тадбиркорлар туманига айланди.

Халқимиз орасида ўзининг хайрли ишла-ри билан обрў қозонган Маждидхон Исломов ҳам давлатимизда яратилган улкан имкони-ятлар туфайли тадбиркорлик фаолиятни бош-лаб, бугун “Урғут” эркин иқтисодий зонаси-даги ўз брендини яратётган корхоналардан бирининг раҳбарига айланган.

– Президентимизнинг Самарқандга ташрифи бизлар учун гўёки Урғутга ташриф-дек бўлди, – дейди “Урғут ИНИ текстиль” кор-хонаси раҳбари Маждидхон Исломов. – Йиғи-лиш давомида туманимиз бўйича алоҳида вазифалар, топшириқлар берилди, вилоят ҳаёти билан боғлиқ масалаларда ҳам айнан Урғут мисол қилиб келтирилди. Энг муҳи-ми, тадбиркорликни ривожлантириш учун яна қўллаб имконият ва қўлайликлар бўли-ши, триллион-триллион сўм маблағ ажрати-лиши айтилди. Бу жуда катта гап ва биз ҳам бунга муносиб бўлиб, ишлаб чиқариш ҳажми-ни оширишимиз, янги иш ўринлари очилишимиз, ёшларни тадбиркорликка ўргатишимиз керак.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
журналист,
O‘zLiDeP фаоли

МУШТАРАК МАҚСАД ЙЎЛИДА

ИБРАТ

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЮНЕСКО
БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ
САРИ КАТТА ҚАДАМ

Бугунги кунда халқаро ташкилотлар билан кенг қамровли ҳамкорликни ривожлантириш ва уни янги босқичга олиб чиқиш мамлакатимиз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борада ЮНЕСКО билан ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу халқаро тузилма мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини янада ошириш, икки ва кўп томонлама шерикликни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш учун муҳим халқаро минбар вазифасини бажаради.

Бош қароргоҳи Париж шаҳрида жойлашган ва 200 га яқин мамлакат аъзо бўлган ушбу халқаро ташкилот БМТ-нинг ихтисослашган муассасаларидан бири бўлиб, аъзо мамлакатларда таълим, фан, маданият ва ахборот-коммуникация соҳаларини ривожлантириш, моддий ва номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланади.



Ўзбекистон унга 1993 йил 26 октябрда тўлақонли аъзо бўлди. 1994 йилда ташкилот билан ҳамкорликни мувофиқлаштириш мақсадида Миллий комиссия тузилди, 1995 йил ЮНЕСКО-нинг “Ипак йўли – мулоқот йўли” дастури доирасида Самарқандда минтақамиз цивилизациялари тарихини ўрганадиган Марказий Осиё тадқиқотлари институти иш бошлади. 1996 йилда Ўзбекистонда ЮНЕСКОнинг ваколатхонаси очилди.

Айниқса, ўтган йилнинг 30 октябры – 14 ноябры кунлари ЮНЕСКО Бош конференцияси навбатдаги – 43-сессиясининг Самарқанд шаҳрида ўтказилгани ҳамкорлик ва ўзаро ишонч янги босқичга кўтарилганининг исботи бўлди. Шунингдек, ташкилотга аъзо давлатларнинг Ян-

ги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли, жадал ислохотларга бўлган юксак ишончининг ёрқин ифодаси ҳамдир. Инсониятнинг тарих солномасига гуманистик ғоялар, нодир билимлар, цивилизациялараро мулоқот маркази сифатида кирган Самарқанд азалдан башариятнинг буюк кашфиётлари бешиги, илм-фан, адабиёт ва маданият гуллаб-яшнаган маскан бўлган.

Ташкилот бош директори Одри Азуле хоним журналистларга берган интервьюсида ҳам бунини алоҳида эътироф этди: “Ўзбекистон тақлифига биноан ЮНЕСКО тарихида, 40 йилда илк бор биз бош конференциямизни Париждан ташқарида, Самарқандда ўтказмоқдамиз. Биз мана шундай тарихий босқични бошдан кечириётганимиздан жуда мамнунман. Бу ерда бутун дунё учрашмоқда, маданият, таълим, фан, ахборот атрофида бирлашмоқда”.

Президентимиз ЮНЕСКО сессиясининг очилиш маросимидаги нутқида бу ташкилот 80 йиллик фаолияти давомида таълим, фан, маданият ва ахборот соҳаларида глобал ҳамкорликни, ишонч ва ҳамжиҳатликни мустақамлашга кўмаклашадиган нуфузли халқаро институтга айланганини қайд этди. Халқларнинг миллий ўзига хослиги, уларнинг маданий меросини сақлаб қолиш, турли динлар

гини, конструктив ҳамкорлик учун очик майдон сифатида Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб ўртасида кўприк бўлиб хизмат қилишга тайёрлигини яна бир бор тасдиқлади.

Давлатимиз раҳбари ЮНЕСКО фаолиятининг асосий йўналишларини ривожлантиришга қаратилган бир қатор ташаббусларни ҳам ўртага ташлади. Инклюзив таълимни ривожлантириш ва сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш устувор йўналиш экани таъкидланди. ЮНЕСКОнинг алоҳида эҳтиёжли болалар учун инклюзив таълимни ривожлантириш платформасини яратиш ва Жаҳон профессионал таълим саммитини ўтказишни тақлиф қилди.

Виртуал маконда ноҳолис ахборотлари тарқатиш, жамоатчилик фикрини чалғитиш, дискриминацияга қарши биргаликда самарали чоралар кўриш жиддий заруратга айланаётганини кўнчақлик билан сўзлаган давлатимиз раҳбари рақамли трансформация муҳитида дунёқараши шаклланаётган ёш авлоднинг энг яхши ижодий ишлари, мультимедиа ғояларини ўзаро алмашиш учун Болалар маданий контенти халқаро фестивалини ўтказиш ташаббусини билдирди. Маълумотларни таҳлилий идрок этиш, ёшларни манипуляциядан ҳимоя қилиш, ахборот

МУТОЛАА
МАЖБУРИЙ ЭМАС,
ЛЕКИН...

Кейинги йилларда юртимизнинг турли бурчакларида китобхонлик маданиятини юксалтириш, айниқса, ёшлар ўртасида мутолаа кўникмасини кучайтириш борасида қатор хайрли ишлар амалга ошириляпти. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан республика миқёсида “Ёш китобхон”, “Китобхон оила”, “Китобхон маҳалла” сингари танловларни ўтказиш аънаъага айлангани бежиз эмас-да. Бундай эзгу амаллар халқимизни руҳлантириб, ибрат олмоққа ундаяпти.

Оддий мисол, ўтган йилнинг охирида Ургут туманида таваллуд топган таниқли ижодкор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист ва ёшлар мураббийи, сенатор Абдусaid Кўчимов ўзи учун қурган уйини кутубхонага айлантирганини эшитиб, қанча зиёлиларнинг боши осмонга етди. Албатта, замона зайли шу, китоб, газета ё журнал ўқиб вақтимни кеткизгандан кўра, тинчгина интернет, ижтимоий тармок, телефон ё планшетда кўрсам, афзал эмасми, дея ақлу тафаккурини ўтмаслаштираётган каттагина тоифа вақилирига бир сўз демаймиз. Ҳар ким бу дунёни ўз дунёқараши, онги билан ўлчади.

Шу маънода Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ўтган йил 26 декабрда Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида китобхонликка бўлган қизиқишни янада ошириш мақсадида мамлакатимиздаги маърифат масканлари бўлиши мактаб кутубхоналарини ҳар йили 10 миллион дона бадий адабиётлар билан таъминлаш борасидаги ташаббусни ўртага ташлагани халқимизни ғоят қувонтирди.

Албатта, шахсий кутубхоналар ташкил этиш энг савобли амаллардан биридир. Ўтган йили биргина Хоразм вилоятининг ўзида ана шундай макомдаги иккита зиё маскани фаолият бошлагани фикримиз исботи.

Яқинда Хонқа туманидаги Гулистон маҳалласида яна бир қувончли воқеа рўй берди: **Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, “Хонқа ҳаёти” газетаси муҳаррири Муҳаббат Сафоева** шахсий китоб фондидан иборат икки қаватли уй-кутубхонасини элдошларига тақдим этди.

– Ҳали мактангулик иш қилмадим, ҳозирча китоб фондимида икки мингдан кўпроқ жаҳон ва миллий адабиётимиз намуналари жой олди, – дейди ҳамкасбимиз камтарлик билан. – *Илмий,*

оммабопларини санамадик. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раҳбарияти ҳам мени кўллаб-қувватлаб уч юз дона китоб ҳадя қилгани ҳам ўзига хос қўллов бўлди. Насиб этса, бу катта ишнинг бошланиши, китоб заҳирамиз яна кенгайиб бораверади.

Балки эшитган чиқарсиз, бу шоира, адиба, журналист замондошимиз бундан бир неча йил аввал икки қаватли ҳусусий боғчани ҳам қуриб, ишга туширган эди. Ҳозир ушбу мактабгача таълим ташкилотига маҳалланинг элликдан зиёд болақонлари тарбияланиш асосида хорижий тилларга ҳам ўқитилмоқда.

– Тадбиркорлар сафига ижодкорларнинг ҳам қўшилиётганидан, албатта, ҳар қанча қувонсак арзийди. Айниқса, китоб ва китобхонлик маданиятини ривожлантиришда бундай қадамлар эл-улус орасида ўзига хос эзгулик уруғларини сочади, – дейди Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Гавҳар Ибодуллаева. – Тўғри, бизнинг қавимимиздагилар катта сармоядор қатлам эмас, лекин халққа нафи тегадиган ишдан борини аямаслапти. Бунини қарангки, бир ҳафта ичида, яъни Янги йил арафаси ва йил бошида ижодий уюшмамизнинг икки нафар аъзоси ўз ҳисобидан шахсий кутубхона очиб, элдошлари қалбларига нур бағишламоқни ният қилишди. Хонқалик қаламқаш Муҳаббат Сафоевнинг ибратли ташаббусига янгибозорлик шоира Шодиябону Султонова қўшилди ва у ҳам ўз уйида худди шундай маърифатхона очди.

Оққан дарё оқаверади, деганлари шу бўлса керак.

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” мухбири

СПОРТ

БОКСЧИ, ФУТБОЛЧИ... ЙЎҚ, ШАХМАТЧИ ҲАМ БОЙ БЎЛАР ЭКАН!

Ниҳоят, Chess.com тақдим этган маълумотга кўра, дунёдаги энг номдор гроссмейстерлардан қай бири ўтган йили мукофот маблағлари бўйича энг юқори ўринни эгаллагани санаб ўтилди.

Табиийки, FIDE рейтингда лидер саналган норвегиялик Магнус Карлсен 16 та халқаро мусобақада умумий ҳисобда 1,455,276 АҚШ долларини жамғариб, фахрли 1-ўринни, 19 та турнирда 889,598 АҚШ доллари тўплашга эришган Фабиана Каруана иккинчи ва яна бир америкалик шахматчи Левон Аронян 15 та мусобақада 751,881 АҚШ доллари йиғиб, кучли учликка яқин ясагани маълум бўлди.

Бизнинг доврақли шахматчиларимиздан қайси бири бу рўйхатда қайд этилган дейсизми? **Нодирбек Абдусатторов** ўтган йили 16 та нуфузли турнирда қатнашиб, умумий ҳисобда



361 811 АҚШ доллари мукофот пули жамғариб, 9-ўринни забт этган бўлса, **Жавоҳир Синдоров** 349 955 АҚШ доллари мукофот пули билан кучли ўнтакдан жой олди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” мухбири

ШОҲГУЗАРЛИК БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ

Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги Шоҳгузар маҳалласида яшаётган болажонлар учун Янги йил арафасида замонавий мактабгача таълим муассасаси эшиклари очилди.



Шу ҳудудда жойлашган уч қаватли, 210 ўринга мўлжалланган 8-сонли МТТ тўлиқ реконструкция қилиниб, бугунги кун талабларига мос ҳолда қайта таъмирланди. Боғчани барпо этиш ва сифатли таъмирлаш ишларида “Maks stroy elit” МЧЖ

курувчилар жамоаси сидқидилдан меҳнат қилиб, қисқа вақт ичида ушбу масканни фойдаланишга топширишди.

Янги боғча барча зарур замонавий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган. Болажонлар учун ёғи айвонча, сув ҳавзаси барпо

этилган. Яна бир эътиборли томони, кичкинтойларнинг ёшига мос равишда хавфсиз ўйин майдончалари ҳам ташкил этилган.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
“XXI asr” мухбири

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Мавлуда ХЎЖАЕВА

Сирожиiddин САЙИИД
Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ

Нодир ЖУМАЕВ
Мадина БАРОТОВА
Шухрат АСЛОНОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

Электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:

қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги (собиқ Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил
14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ,
Буюртма рақами: Г – 0145
Адади: 5908
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 20:20

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назидан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер
марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Абдулла ЧИМИРЗАЕВ